

---

Фурқатлик профессионал боксчи Бектемир Мелиқўзиев ва VII “Осиё болалари” халқаро спорт ўйинлари ғолиблари тақдирландилар Жорий йилнинг 27 июль - 8 август кунлари Россия Федерациясининг Владивосток шаҳрида ўтказилган VII “Осиё болалари” халқаро спорт ўйинларида Ўзбекистон Миллий терма жамоаси сафида вилоятимиз спортчилари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Хусусан, VII “Осиё болалари” халқаро спорт ўйинларида вилоятимиз ёшлари 2 та олтин, 2 та кумуш, 4 та бронза, жами 8 та [медални қўлга киритди](#).

Эътиборлиси шундаки, совриндорлар қаторида Фурқат тумани спорт мактаби тарбияланувчилари ҳам жой олган. “Ингичка” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Абдуллоҳ Тохиров 63 кг вазн тоифасида кумуш медал, Раҳмонжон Кодиров 80 кг вазн тоифасида бронза медали соҳиби бўлди.

Шунингдек куни кеча АҚШда бўлиб ўтган жангда Бектемир Мелиқўзиевнинг профессионал боксдаги 10-ғалабасини қўлга киритганлиги ҳақида [хабар берган эдик](#).

Бугун туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов секторлар раҳбарлари ҳамроҳлигида боксчиларни қутлаш учун спорт мактабида ташкилланган учрашувга ташриф буюрди. Боксчиларни, устоз-мураббийлари ва спорт мактаби тарбияланувчилари иштирокида эришган ғалабалари эътироф этилди.

Туман раҳбари боксчиларни эришган муваффақиятлари билан қутлаб, келгуси спорт баҳсларида янада улкан ғалаба ва зафарлар ёр бўлишини тилади.

Учрашув давомида спорт мактаби тарбияланувчилари томонидан кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

Спортчилар ва уларнинг мураббийларига иззат-икром кўрсатилиб, туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

2022-08-13 22:41:20